

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича
ШАРТНОМА № 2

2022 йил «05» январ

Хоразм вилояти
Богот тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари Жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 799-сонли қарори билан тасдиқланган «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби» асосида иш кўрувчи Хоразм вилояти Богот туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда АБКМ) номидан директор Д.Бекчанов бир томондан ва жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича ташаббускор қорхона (кейинги ўринларда буюртмачи-иш берувчи деб юритилади) номидан, низом асосида **БОҒОТ ТУМАН МЕХНАТ БИРЖАСИ** номидан иш кўрувчи раҳбар иккинчи томондан мазкур шартномани тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари Жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 799-сонли қарори билан тасдиқланган «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби»га мувофиқ, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига қуйидаги йўналиш ва микдорларда жалб қилиш бўйича шартнома тузилди:

№	Жамоат иши тури	ишчи кучи сони	Маоши (сўм)	Бир ойлик иш хақи (сўм)	шундан	
					Жамғарма маблағлари ҳисобидан (сўм)	Иш берувчи ҳисобидан (сўм)
1.	Уй-жой коммунал, уй-жой-коммунал инфратузилмаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш					
2.	Меҳнат инспектори ёрдамчиси сифатида жалб этилган фуқаролар	40	927 427	37 097 080	37 097 080	-
3.	Қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишлар					
4.	Тадбиркорлик субъектларининг буюртмаларига асосан хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлар					
5.	Сугориш-мелиорация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва техник хизмат кўрсатиш, қирғоқларни муҳофаза қилиш ишлари					
6.	Иккиламчи хом ашё ва чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш ишлари					
7.	Ижтимоий-маданий ва тарихий-меъморий объектларни, кўрикланадиган табиий ҳудудларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари					
Ж А М И		40	927 427	37 097 080	37 097 080	

Шартноманинг умумий суммаси январ ойи учун жамғарма маблағлари ҳисобидан 37 097 080 (ўттиз етти млн. тўқсон етти минг сақсон)сўмни ташкил қилади.

Буюртмачи-иш берувчи АБКМ йўлланмаси асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун юборилган фуқароларни тақдим этилган бюртмага асосан 2022 йилнинг «05» январдан «31» январ муддатга жамоат ишларига жалб қилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

АБКМнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- Иш берувчининг буюртмасига асосан белгиланган тартиб асосида ишсиз деб эътироф этилган ва иш изловчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўлланма асосида юборади;
- ҳар ойнинг 15 санасига қадар жамоат ишларида қатнашган фуқаролар учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг 100 фонзини тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Иш берувчининг ҳисоб-рақамига ўтказиб беради;
- ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун жамоат ишларида қатнашган фуқаролар учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақинининг қолдаб бериладиган қолган қисmini тўлиқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Иш берувчининг ҳисоб-рақамига ўтказиб беради.
- жамоат иши жараёнини жойига чиқиб мониторинг ўтказиш, бунда лозим ҳужжатларни ўрганиш учун талаб қилиш ва тўхета олиш, амалдаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланганда, қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришни талаб қилиш ва/ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- тўлов учун тақдим қилинган ҳужжатларда хато ва камчиликлар аниқланган ҳолатда тўлов учун қабул қилмаслик;

